Ўзбекистон Республикаси бюджет
тизими бюджетларининг ғазна
ижроси қоидаларига
8-илова

2022 йил «10» январ Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни ребилитация қилиш ва протезлаш маркази ва “SOG’LOM KELAJAK AVLOD”МЧЖ
29 999 970 сўм умумий суммага тузилган 01-сонли шартнома

# ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 7091, 100, 075
Шахсий ғазна хисобварақ 100021860124017109405344001.

(сўмда)

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 7091, 100, 075, 4252300 | | | |
| Январ | 29 999 970,00 | | | 29999970,00 |
| Феврал | 0,00 | | | 0,00 |
| Март | 0,00 | | | 0,00 |
| Апрел | 0,00 | | | 0,00 |
| Май | 0,00 | | | 0,00 |
| Июн | 0,00 | | | 0,00 |
| Июл | 0,00 | | | 0,00 |
| Август | 0,00 | | | 0,00 |
| Сентябр | 0,00 | | | 0,00 |
| Октябр | 0,00 | | | 0,00 |
| Ноябр | 0,00 | | | 0,00 |
| Декабр | 0,00 | | | 0,00 |
| **Жами йил бўйича** | **29 999 970,00** | | | **29 999 970,00** |

Жами 29 999 970 сўм (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз етмиш) сўм
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 8 999 991 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30%*** олдиндан 2022 йил ЯНВАР ойида тўланиши лозим.

(*)-бюджет ташкилоти бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағ олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) – бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси кўрсатилади;
(***) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун хужжатлариданазарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

**Буюртмачи раҳбари** ____________ У.А.Базаров

**Буюртмачи бош хисобчиси** ____________ З.Д.Қурбонов

Ғазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди ____________
2022 й.«____»__________

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди ____________
2022 й.«____»__________

**ШАРТНОМА № 01**
**Овқатлантириш (Аутсорсинг) ни ташкил этиш бўйича**
**хизмат кўрсатиш тартиби учун**

Навоий шаҳри "10" январ 2022 йил

Бизлар ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, Устав асосида иш юритувчи **"SOG'LOM KELAJAK AVLOD"МЧЖ** рахбари К.Б.Холмуминова (кейинги матнларда "Аутсорсер") бир томондан, устав асосида иш юритадиган Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори У.Базаров (кейинги ўринларда "Буюртмачи") иккинчи томондан, Навоий вилоят Ногиронлиги бщлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2021 йил 25 октябрдаги давогарлар уртасида "Овқатлантиришни Аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича" хизмат кўрсатиш танловини утказиш баёни асосида мазкур шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.Ушбу хизмат кўрсатиш тартибидаги шартноманинг предмети буюртмачининг маблағлари ҳисобидан кундалик уч маҳалли иссиқ овқатни "аутсорсер" томонидан ташкил этишдан иборатдир.

Ҳар бир шахс учун ҳисоб миқдори таркибидан бемор сони **Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига** талабномасига асосан, норматив актлар ва санитария меъёрлари талабларига риоя қилган ҳолда таомномага мувофиқ олиб борилади.

Шартнома суммаси шартнома тузилган вақтидан ҚҚС билан биргаликда **29 999 970 сўм (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз тўсон тўққиз минг тўққиз юз етмиш)** сўмни ташкил этади.

1.2. Битим тузилганга қадар талабномага қўшилмаган буюртмачининг қўшимча шартлари асосида Аутсорсер томонидан тўрт маҳаллик овқатланишни ташкил қилишга рухсат берилади.

## II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

*2.1. Ушбу хизмат кўрсатиш тартибидаги озиқ-овқат махсулотларини (Аутсорсинг) ташкил қилиш шартномасида қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:*

*2.1.1. Буюртмачи –* "**Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази**.

*2.1.2. Муассаса –***Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази** *(кейинги ўринларда марказ).*

*2.1.3. Аутсорсер -* **"SOG'LOM KELAJAK AVLOD"МЧЖ**

*2.1.4. Шартнома – тиббиёт маркази беморларини меню асосида уч марталик иссиқ овқатни ташкил қилиш бўйича ва аутсорсинг усулида хизмат кўрсатиш тартибидаги шартнома.*

*Масъул мансабдор шахс –* "**Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази** Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 10.01.2019 йил 16-сонли "Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги қарори асосида – озиқ-овқат аутсорсинги ташкил қилинган **Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази**

1.1.1. Белгиланган нарх – бозорнинг ўртача реал баҳосида танавул қилинадиган бирор озиқ овқат маҳсулотининг тегишли контингенти учун тасдиқланган, озиқ-овқат нормалари асосида белгиланган, шартнома тузилган кундан аутсорсернинг барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг ойлик маоши, транспорт хизматлари, шунингдек, таъмир хизматлари ҳамда ускуналарнинг эксплуатация қилиш ва ҳ.к.лар. коммунал тўловлардан ташқари) ўз ичига олиб, устама нархи 20 фоиз бўлган (Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан кўрсатилган нарх-наволардан юқори бўлмаган ) миқдор.

1.1.2. Хизматларнинг хақиқий қиймати – ҳисоб фактурада ва бажарилган ишлар далолатномасида ўз аксини топган, расмий тасдиқланган истеъмол хизматлари, хажми бир кишилик озиқ-овқат нормалари асосида кундалик таомномадан келиб чиққан ҳолда (алмаштириш шартини ҳам хисобга олиб) тузилган. Ундаги ҳар бир ишлатилаётган озиқ-овқат турлари бозорнинг ўртача фактик нархига кўпайтирилади (Навоий шаҳри ҳокимлиги белгилаган нархлардан юқори бўлмаган миқдорда) 20 фоиз устамани ҳам кўзда тутган ҳолда. Шу билан бирга, бир кишига белгиланган озиқ-овқатнинг тасдиқланган меъёрлар асосида беморларни озиқ-овқат билан таъминлашда қўйилган талабларга тўлик бўйсунган ҳолда хақиқий нархларидан кўтарилиб кетишга йўл қўйилмайди.

## II. ШАРТНОМА ТУЗИШДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2019 йилдаги 16-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг

хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги қарори, бошқа жамоат озиқланишини шакллантириш бўйича норматив актлар шартнома тузишда ҳуқуқий асослар саналади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 364-366-моддалари.

## III. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1.1. Аутсорсер шартноманинг ойлик қийматидан **30 %** миқдорида олдиндан тўлов учун талабнома буюртмачига тақдим этади.

3.1.2. Муассаса ва Аутсорсер ўртасида тузилган шартнома тасдиқланган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни давомида хизматлар учун олдиндан тўловини амалга оширади.

3.2. Таомнома белгиланган меъёрларга тўлиқ амал қилиш шарти билан ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачи ҳамда ДСНЭМ мутахассислари томонидан тузилади, Муассаса Аутсорсер билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.

3.3. Тиббиёт маркази бош врачи ҳар куни овқатланувчиларнинг хақиқий миқдори кўрсатилган талабномага қўл қўяди ва уни Аутсорсерга тақдим қилади.

3.4. Ҳар куни Аутсорсер томонидан маъсул шахслар билан келишилган ҳолда таомномада кўрсатилганларни тайёрлаш учун кетадиган чиқимлар, бир кишилик озиқ-овқат харажатлари устамалари билан буйруқ асосида шакллантирилади.

3.5. Умумий овқатланувчиларнинг хақиқий миқдори ва бир кишилик озиқ-овқатнинг хқиқий харажатлари (устамаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) маълумотлари асосида Буюртмачининг ва Аутсорсернинг масъул мансабдор шахслари томонидан ҳар 10 (ўн) календар кунида бажарилган ишларнинг далолатномаси тузилади. Шунингдек, Аутсорсер ва Тиббиёт маркази бош врачи томонидан имзоланган ва кейинги тўловнинг миқдори кўрсатилган ҳисоб фактуралар расмийлаштирилади.

4.6.1. Ҳисоб-фактуралар, таомноманинг чиқим ҳисоботлари билан биргаликда бажарилган ишларнинг далолатномалари илова қилинган ҳолда Буюртмачининг молиявий бўлимига етказилади. Шартноманинг қолган миқдори тўлови хисоб-фактуралар ва бажарилган ишларнинг далолатномалари асосида 5 (беш) иш куни ичида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.6.2. Шартномада кўрсатилган нархдан бажарилган хизматлар нархи камайса, буюртмачи хақиқий бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширади. Шу билан бирга, ҳисоб берилаётган чоракда бажарилган ишлар қийматига қўшимча келишувлар асосида аниқлик киритилади. Бу келишувлар ҳар чоракда хисоб-фактуралар ва бажарилган ишларнинг далолатномалари асосида тузилади.

## V. СИФАТ ВА ТАОМНОМА

5.1. Таомнома **Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази** беморлари мувофиқ равишда тузилган ва Навоий шаҳар ДСЭНМ билан келишилган 10 кунлик таомномалар асосида тайёрланади.

5.2. Овқат тайёрлаш сифати ва тайёр маҳсулот санитария қоидаларига, гигиеник меъёрларга ва бошқа меъёрий актларга тўлиғича жавоб бериши керак.

5.3. Аутсорсер томонидан ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли сертифакатлар ва уларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатларга эга бўлиши керак. Бунинг назоратини Буюртмачи амалга оширади.

## VI. ОВҚАТ ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР

6.1. Тартибга мувофиқ Буюртмачи Аутсорсерга текинга (ноль ставка асосида) Навоий вилоят кўп тармокли тиббиёт маркази ихтиёридаги бино, ошхона жиҳозлари, мебель, озиқ-овқат учун зарур идиш-товоқларни тақдим қилади. Овқат тайёрлаш учун зарур бўлган коммунал хизматлар буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади. Аутсорсер хизмат кўрсатишни бошлаган кунда Буюртмачи омборхонасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиғи ҳисоб-китоб қилиниб, комиссия далолатномаси асосида Аутсорсерга топширади.

6.2. Буюртмачи томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари учун олдиндан тўлов қилинган (дебитор қарздорлик) Аутсорсерга ҳисоб китоб асосида топширилади.

6.3. Юқорида қайд этилган бинолар ва мол-мулклар ишга яроқли ҳолда ижара шартномаси асосида Аутсорсерга топширилади ҳамда тегишли топшириш қабул қилиш далолатномаси шакллантирилади ва алоҳида шартнома тузилади.

6.4. Аутсорсер ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат нархини кўтармаган ҳолда (20% устамадан ташқари) қуйидаги харажатларни амалга оширади:

- солиқларни тўлаш, овқат тайёрлаш ва узатишни амалга ошириладиган ходимларнинг иш ҳақини тўлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, уларни ташиш, таъмир ҳолатларини намунали ҳолда сақлаш, музлатгич компрессорларини тўлдириш, бино ҳамда мебель-жиҳозларини талаб даражасида сақлаш ва бошқалар.

6.5. Аутсорсер зарурат туғилганда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ўзининг шахсий идиш-товоқларини ва бошқа ошхона жиҳозларини ишлатишга ҳақли.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Аутсорсерга шахсий таркибини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари, қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

-овқат тайёрлашга тегишли ташкилотлар рухсати ҳамда тиббий кўрикдан ўтган ишчи ходимларни жалб қилиш;

-буюртмачи ҳудудида ишчи ходимларини одоб-ахлоқ, ички тартиб қоидаларига риоя қилишини таъминлаш;

-бир ойдан кам бўлмаган вакт мобайнида мазкур шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда буюртмачини огоҳлантириш, бу муддат тугагунга қадар ишларни давом эттириш;

- Тиббиёт маркази ошхоналарида овқат тайёрлашда масалликларнинг сифати ва тўлиқ ҳажмда қозонга солиниши, тайёр овқат сифатини назорат қилиб бориш учун буюртмачи ва юқори ташкилотлар томонидан ҳар ойда 2 марта тўсатдан мониторинг олиб борилишига ҳамда тузилган ишчи гуруҳ ва ДСЭНМ ходимларини текширув ишларини олиб боришига шароит яратиб бериш;

-Давлат молиявий назорати ва ваколатли орган ходимларининг талаблари билан озиқ-овқатга қўйилган нарх-наволарни ҳамда мазкур шартнома бўйича кўрсатилган нарсаларга кетган харажатларни ўрганишга рухсат бериш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатланганлигига;

- Соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом-ашёсини сақлашда, ташишда санитария қоидалари ва гигиена нормаларига қатъий риоя этиш;

- Беморлар санитария қоидалари ва гигиена нормаларига мос ҳолда ҳар бирини алоҳида овқатланиш идишлари билан босқичма-босқич таъминлаш.

7.2. Буюртмачи беморлар озиқ-овқат билан таъминлаш хизматлари учун қилинадиган тўловлар билан бирга яна қуйидагиларга мажбур:

- кунлик соат $8^{00}$ га қадар **тиббиёт маркази** беморлари сони тўғрисидаги маълумотни Муассаса томонидан Аутсорсерга маълум қилиниши устидан назоратни олиб бориш;

-овқат тайёрлаш жараёнида санитария-эпидемиологик шароитларни ҳамда ишлатилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати устидан тизимли назорат чораларини кўриш;

-озиқ-овқатга қўйилган нарх-наволарни ҳамда мазкур шартнома бўйича кўрсатилган нарсаларга кетган харажатларни ўз вақтида ўрганиш чораларини олиб бориш;

- талабгор (тадбиркор)лар томонидан беморларнинг касаллик турларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

7.3. Мазкур шартнома шартларини бажарилмаслик ёки уларга риоя қилмаслик ҳолатларида Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда Фуқаролик Кодекси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида томонлар масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

7.3.1. Аутсорсер қонунчилик тартиби асосида ушбу шартнома шартларига риоя қилишнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олади ва тайёрланаётган овқатнинг сифатини таъминлашга жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилган.

7.3.2. Буюртмачи овқат тайёрлаш жараёнида санитария-эпидемиологик шароитларни ҳамда ҳамда ишлатилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати устидан тизимли назорат чораларини кўрмаганлиги ҳолатларида катта масъулиятни бўйнига олади.

7.4. Аутсорсер томонидан мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда буюртмачи ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7.5 Мазкур шартнома бажарилиши жараёнида юзага келган барча низоли ҳолатлар келишувлар йўли билан ҳал қилинади. Келишувлар йўли билан ҳал қилинмаган ҳолатларда тарафлар иқтисодий судга мурожаат қилишларига ҳақли.

## VIII. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Ҳеч қайси томон ўз ваколатларини ва ҳуқуқларини бу шартнома бўйича иккинчи томонни рухсатисиз учинчи томонга беришга ҳаққи йўқ.

8.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Аутсорсинг” тизими бўйича доимий тартиб ишлаб чиқилгунга қадар Вақтинчалик тартиб асосида ишлар амалга оширилади.

## IX. ФОРС-МАЖОР

9.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи”, Муассаса ҳамда “Аутсорсер” томонидан тасдиқланиб Навоий илоят бўйича ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг (ғазначилик бошкармасидан юридик рўйхатдан ўтмайдиган ҳисоб рақамлар бўйича шартномалар бундан мустасно) кучга киради ва **2022 йил “31” декабргача** амал қилади.

10.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

«Аутсорсер»
“SOG’LOM KELAJAK AVLOD”МЧЖ
Манзил: Навоий шахри И.Каримов 148-1-12
х/р: 20208000005068091001
МФО: 00206
ИНН: 306111600
Телефон: +998973674242, +998995705551.
Банк: ДАТ Асака банк Навои филиали

Рахбар ________________ К.Б.Холмуминова

«Буюртмачи»
**НВНБШРҚваПМ**
Навоий вилоят Ғазначилиги бошқармаси
МБТШББХККМ МФО 00014 ИНН 2019122919
Х.р23402000300100001010
Бюджет ШХР:100021860124017109405344001
ИНН 202493124

Директор ________________ У.А.Базаров

Юрист ________________

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган
шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш
маркази директори
У.А.Базаров
"10" январь 2022 йил

Навоий вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида бюджет ҳисоб рақам ҳисобидан даволанувчи беморларини аутсорсинг услида иссиқ овқат билан таъминлаш тўғрисида

## К А Л Ь К У Л Я Ц И Я

| ТР | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Беморлар сони | Бир кунлик миқдори (кг,шт,литр) 1 кишига | Бир ойлик миқдори (кг,шт,литр) | Баҳоси 1 (кг,шт,литр) | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хлеб (500гр) | шт | 55 | 350 | 501 | 3 000 | 1 501 500 |
| 2 | Мука 1-сорт | кг | 55 | 15 | 21 | 3 000 | 64 350 |
| 3 | Макарон (вермешел) | кг | 55 | 15 | 21 | 7 500 | 160 875 |
| 4 | Рис | кг | 55 | 15 | 21 | 10 000 | 214 500 |
| 5 | Гречка | кг | 55 | 15 | 21 | 15 000 | 321 750 |
| 6 | Манная крупа | кг | 55 | 10 | 14 | 7 000 | 100 100 |
| 7 | Бугдой ёрма | кг | 55 | 10 | 14 | 4 500 | 64 350 |
| 8 | Перловка | кг | 55 | 10 | 14 | 6 000 | 85 800 |
| 9 | Сули ёрмаси | кг | 55 | 10 | 14 | 8 000 | 114 400 |
| 10 | Горох | кг | 55 | 10 | 14 | 8 000 | 114 400 |
| 11 | Шакар | кг | 55 | 60 | 86 | 9 000 | 772 200 |
| 12 | Масло слив 82,5% | кг | 55 | 40 | 57 | 50 000 | 2 860 000 |
| 13 | Калбаса | кг | 55 | 20 | 29 | 35 000 | 1 001 000 |
| 14 | Пишлоқ | кг | 55 | 15 | 21 | 22 000 | 471 900 |
| 15 | Салатное масло | кг | 55 | 20 | 29 | 19 000 | 543 400 |
| 16 | Молоко (пастерилизованное) | литр | 55 | 300 | 429 | 7 500 | 3 217 500 |
| 17 | Мясо говяжее | кг | 55 | 75 | 107 | 65 000 | 6 971 250 |
| 18 | Яйцо 1-категория | шт | 55 | 1 | 1 430 | 1 100 | 1 573 000 |
| 19 | Картошка | кг | 55 | 400 | 572 | 5 000 | 2 860 000 |
| 20 | Лук | кг | 55 | 20 | 29 | 2 000 | 57 200 |
| 21 | Морковь | кг | 55 | 60 | 86 | 2 000 | 171 600 |
| 22 | Шолғом | кг | 55 | 31 | 44 | 2 000 | 88 660 |
| 23 | Турп | кг | 55 | 60 | 86 | 2 000 | 171 600 |
| 24 | Мош | кг | 55 | 10 | 14 | 12 500 | 178 750 |
| 25 | Томат | кг | 55 | 3 | 4 | 18 000 | 77 220 |
| 26 | Зелень | кг | 55 | 20 | 29 | 10 000 | 286 000 |
| 27 | Свекла | кг | 55 | 55 | 79 | 3 500 | 275 275 |
| 28 | Капуста | кг | 55 | 100 | 143 | 4 000 | 572 000 |
| 29 | Чай (кук) | кг | 55 | 2 | 3 | 33 000 | 94 380 |
| 30 | Соль йодированная | кг | 55 | 7,0 | 10 | 1 500 | 15 015 |
| | Жами | | | | | х | 24 999 975 |
| | 20% устама | | | | х | х | 4 999 995 |
| | ХАММАСИ БЮДЖЕТ ҲИСОБ РАҚАМДАН: | | | | | | 29 999 970 |

Бош хисобчи: ____________ З.Қурбонов

Диетолог ҳамшира: ____________ Д.Рўзиева

"Соғлом келажак авлод"МЧЖ ____________ К.Холмўминова